

O'z DSt 615:2008

---

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

---

ПАХТА  
Техникавий шартлар

Расмий нашр

---

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш Ўзбекистон агентлиги

Тошкент

## Сўз боши

1 Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаштириш "Сифат" маркази ва "ПАХТА TOZALASH ПСНВ" ОАЖ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

2 Стандартлаштириш бўйича "Пахта" техникавий кўмитаси ТОМОНИДАН ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

3 Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги (Ўзстандарт агентлиги) нинг 2008-08-07 №08-109 сонли қарори билан ТАСДИҚЛАНДИ ВА ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

4 O'z DSt 615:2007 ЎРНИГА ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

O'ZSTANDART AGENTLIGI  
STANDARTLASHTIRISH,  
MUYOFIQLASHTIRISH  
VA DAVLAT NAZORATI  
BOSHBARMASI

Ушбу стандартни Ўзбекистон худудинда расмий чоп этиш музтақ ҳуқуқи  
"Ўзстандарт" агентлигига тегишли

## Мундарижа

1 Қўлланиш доираси.....	1
2 Меъёрий ҳаволалар.....	1
3 Атамалар ва таърифлар .....	2
4 Техник талаблар.....	2
5 Тоқшириш ва қабул қилиш қоидалари.....	7
6 Текшириш усуллари.....	11
7 Ташиш ва сақлаш.....	12
А-илова (мажбурий) Махсус қўлланиладиган усулларга асосан пахтанинг типн бўйича кўрсаткичлари.....	13
Библиография.....	14

ЎЗЎСТАНДАСТ АЎЕНТЛИГИ  
СТАНДАРТИЛАСHTИРИШ,  
МУҲОФИЛАШТИРИШ  
ВА ДАҲЛАТ ҺАЗОРАТИ  
БЎШБАРМАСИ

## ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

## ПАХТА

Техникавий шартлар

## ХЛОПОК-СЫРЕЦ

Технические условия

## COTTON

Technical conditions

Жорий этиш санаси 2008-08-20

Амал қилиш муддати 2013-08-20

## 1 Қўлланиш доираси

Ушбу стандарт пахта тозалаш корхоналарида қайта ишлашга мўлжалланган (қўлда, машинада терилган ва ердан териб олинган) пахтага жорий этилади.

Стандарт, пахта тозалаш корхонасида қайта ишлашгача бўлган даврда тайёрлов пунктларидаги пахтани қабул қилиш дастлабки классификацияси, микдорининг ҳисоби ва сақлаш учун муайян шароитларини яратиш қисми талабларини белгилайди.

Пахтанинг яқувий истеъмол хусусиятлари пахта тозалаш корхоналарида қайта ишлангандан кейин O'z DSt 604 га мувофиқ толаннинг сифат кўрсаткичлари бўйича аниқланади.

Стандарт талаблари уруғлик пахтага жорий этилмайди.

Ушбу стандартнинг талаблари мажбурийдир.

## 2 Меъёрий ҳаволалар

Ушбу стандартда куйидаги стандартларга ҳаволалар қилинган:


O'z DSt 581:2002 Пахтани қайта ишлаш. Атамалар ва таърифлар

O'z DSt 592:2008 Пахта. Ифлосликни аниқлаш усуллари

O'z DSt 593:2008 Пахта. Пахта толасининг тавсифномаларини

аниқлаш усуллари

Расмий нашр



O'z DSt 604:2001 Пахта толаси. Техникавий шартлар  
O'z DSt 633:1995 Пахта толаси. Узунликни аниқлаш усуллари  
O'z DSt 643:2006 Пахта. Намуна танлаб олиш усуллари  
O'z DSt 644:2006 Пахта. Намликни аниқлаш усуллари

Изоҳ – Ушбу стандартдан фойдаланиш чоғида жорий йилнинг 1 январигача бўлган ҳолати бўйича тузилган стандартлар (классификаторлар) кўрсаткичлари ҳамда жорий йилда чоп этилган ахборотли кўрсаткичлари бўйича ҳавола қилинаётган стандартларни (ва классификаторларни) Ўзбекистон ҳудудида амал қилиши текширилиши керак. Агарда ҳавола қилинаётган ҳужжат алмаштирилган (ўзгартирилган) бўлса, унда ушбу стандартдан фойдаланиш чоғида алмаштирилган (ўзгартирилган) стандартга амал қилиш керак. Агарда ҳавола қилинаётган ҳужжат алмаштирилмасдан бекор қилинган бўлса, унга ҳавола қилинган қонда ушбу ҳаволага дахлдор бўлмаган қисмида қўлланилади.

### 3 Атамалар ва таърифлар

Ушбу стандартда куйидаги атамалар ва уларга мувофиқ таърифлари қўлланилган:

**тола ширадорлиги:** Пахта толасининг шира ва (ёки) бактериал-замбуруғ касалликлари билан зарарланганлиги;


**"шира":** Пахта толаларида учрайдиган шакarli моддалари учун улар табиатини ёритувчи умумлаштирилган атама; физиологик шакarлар яъни ўсимликларнинг ўзлари ишлаб чиқарадиган шакarли моддалар, энтомологик шакarлар яъни хашоратлар ва микроорганизмлар ишлаб чиқарадиган шакarли моддалар;

**толанинг бактериал-замбуруғ билан зарарланганлиги:** Пахта толасини биодеструкция ва кўп ҳолларда ширадорликка олиб келувчи микроорганизмлар билан зарарланганлиги.

Қолган атамалар ва таърифлар O'z Dst 581 бўйича.

### 4 Техник талаблар

4.1 Пахта толасининг узунлик кўрсаткичи бўйича 1-жадвалдаги меъёрларга мувофиқ тўққизта: 1a, 1б, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7 типларга бўлинади. Ҳар хил кўрсаткичлар бўйича типини аниқлашда фарқлар келиб чиққан ҳолда юқори ўрта узунлик (УНМ) миллиметрларда устувор мавқеда бўлади.



1a, 1б, 1, 2 ва 3 типдаги толаларга эга бўлган пахта узун толали  
ғўза навларига, 4, 5, 6 ва 7 – типдаги толаларга эга бўлган пахта эса  
ўрта толали ғўза навларига киради.

1- жадвал

Типи	Юкори ўргача узунлик (UHM)		Штапел узунлиги (Staple)		Солиштирма узилиш кучи (Str) I ва II навлар учун HVI тизими бўйича, cN/tex (gf/tex)
	mm	дюйм	дюйм	код	
1a	33,7-34,3	1,33-1,35	1 11/32	43	29,4-34,3 (30,0-35,0)
1б	32,9-33,6	1,30-1,32	1 5/16	42	
1	32,2-32,8	1,27-1,29	1 9/32	41	
2	31,4-32,1	1,24-1,26	1 1/4	40	
3	30,7-31,3	1,21-1,23	1 7/32	39	
	29,9-30,6	1,18-1,20	1 3/16	38	
4	28,9-29,8	1,14-1,17	1 5/32	37	23,0-27,8 (23,5-28,4)
	28,1-28,8	1,11-1,13	1 1/8	36	
5	27,4-28,0	1,08-1,10	1 3/32	35	
	26,6-27,3	1,05-1,07	1 1/16	34	
6	25,8-26,5	1,02-1,04	1 1/32	33	
7	25,1-25,7	0,99-1,01	1	32	

4.2 Махсус қўлланиладиган усуллари ёрдамида аниқланадиган  
пахта типи кўрсаткичлари А илованинг А.1-жадвалида келтирилган.

4.3 Ҳар бир типдаги пахта ранги, ташки кўриниши, пишиб  
етилганлик коэффициенти бўйича 2-жадвалдаги талабларга ва  
белгиланган тартибда тасдиқланган намуналарга мувофиқ бешта навга  
бўлинади: I, II, III, IV, V.

Пахта нави ранги ва пишиб етилганлик коэффициентининг энг  
ёмон кўрсаткичлари бўйича аниқланади.

U'ZBEKISTANDAGI AQDENTLIGI  
ETA JARYLAESTIRISH,  
MUYOFIQLASHTIRISH  
VA DAVLAT NAZORATI  
EGSHOARMASI

2-жадвал

Пахта нави	Тип бўйича пишиб етилганлик коэффициенти, камида		Пахтадаги толанинг типлари бўйича ранги ва ташки кўриниши	
	1а, 1б, 1, 2, 3	4, 5, 6, 7	1а, 1б, 1, 2, 3	4, 5, 6, 7
I	2,0	1,8	<p>Оқ ёки табиий оқ-сарик тусли ёки селекцион нави ёхуд ўстирилган худудига боғлиқ бўлган оқ сарик тусли. Кўриниши ялтироқ ва ипаксимон.</p> <p>Қўл билан ушлаганда эгилувчан ва зич. Қўл теримидаги пахта паллаларининг устки қисми тўлқинсимон, машина теримидаги пахта эса алоҳида толали чигитлардан ва қисман ёйилган жингалак паллалардан иборат. Баъзан алоҳида паллаларда ўлик тола учраб туради.</p>	<p>Оқ ёки селекцион нави ва ўстирилган худудига боғлиқ табиий оқсарғиш оқ.</p>
II	1,7	1,6	<p>Ялтирамайдиган окдан кичик сарғиш доғли турли тусдаги оқсарикгача. Ялтироқ ва ипаксимонлиги I-навга нисбатан пастроқ.</p> <p>Қўл билан ушлаганда I-навга нисбатан камроқ эгилувчан ва зичдир. Қўл теримидаги пахта паллаларининг устки қисми тўлқинсимон, машина теримидаги эса алоҳида толали чигитлардан ва қисман ёйилган жингалак паллалардан иборат ва ялтироқ кичик кўринишдаги пластик ҳолда ўлик толалар учраши мумкин.</p>	<p>Ялтирамайдиган окдан оқиш сарик доғли оқсарик тусгача.</p>

## 2-жадвалнинг давоми

Пахта нави	Тип бўйича пишиб етилганлик коэффициенти, камида		Пахтадаги толанинг типлари бўйича ранги ва ташқи кўриниши	
	1а, 1б, 1, 2, 3	4, 5, 6, 7	1а, 1б, 1, 2, 3	4, 5, 6, 7
III	1,4	1,4	Ялтирамайдиган окдан оксарик тусгача ёки сарик нотекис тусдаги сарик доғли кулрангрок, қарийб ялтироқсиз. Қўл теримидаги кичик тўлқинсимон пахта паллачалари, ҳар хил катталиқдаги ялтирок пластикка ўтувчи кўринишига, машина теримидаги эса алоҳида толали чигитлардан ва чўзилган, қисман ёйилган ва алоҳида чўзилмаган ва пишмаган аралашма паллачалари, ҳар хил катталиқдаги ялтирок пластиклардан иборат.	Хира окдан оксарик сарик, сарғишрок доғли ялтирамайдиган кулрангрокгача.
IV	1,2	1,2	Сарик ёки оқиш-сарик нотекис кулрангрок ва кўнгир доғли тусдаги. Ялтирамайдиган. Қўл билан ушлаганда эгиловчан ва зич эмас, асосий қисми чўзилган, қисман аралашган паллачалар, шунингдек чўзилмаган пишмаган паллачалар, алоҳида толали чигитлар гуруҳи ҳар хил даражада ёйилган, паллачалардан кўпчилик қисми ялтирок пластик кўринишдаги ўлик толалардан иборат.	Хира оқ ва оксарикдан сарғиш-оксарик кулранг ва кўнгир доғли.

U'ZSTANDART AGENTLIGI  
STANDARTLASHTIRISH,  
KUVVATLASHTIRISH  
VA DAVLAT NAZORATI  
BOSHBOKMASI



2-жадвалнинг давоми

Пахта нави	Тип бўйича пишиб етилганлик коэффициенти, камида		Пахтадаги толанинг типлари бўйича ранги ва ташқи кўриниши	
	1a, 1б, 1, 2, 3	4, 5, 6, 7	1a, 1б, 1, 2, 3	4, 5, 6, 7
V	1,2 дан кам	1,2 дан кам	Кўнғир доғли сариқгача. Кулранг.  Кўл билан ушлаганда умуман эгилувчан ва зич эмас, пахта паллачаларининг кўпчилик қисмини ташкил қилувчи пишмаган ва ўлик толалар ялтироқ пластикни ҳосил қилади.	Хира оқ ёки хира оксарикдан кўнғир доғли яққол сарик- кача. Кулранг.

4.4 Пахта нави ифлос аралашмаларнинг миқдори (ифлос аралашмаларнинг массавий улуши) ва намлиги (намликнинг массавий нисбати) га қараб 3-жадвалда кўрсатилган талабларга мувофиқ қуйилган синфларга бўлинади: 1 (қўлда терилган), 2 (машинада терилган) ва 3 (ердан териб олинган).

3-жадвал

Пахта нави	Пахтанинг синфлар бўйича ифлос аралашмаларининг массавий улуши ва намликнинг массавий нисбати меъёрлари, % кўпи билан					
	1-синф		2-синф		3-синф	
	ифлос аралаш. масса- вий улуши	намлик- нинг масса- вий нисбати	ифлос аралаш. массавий улуши	намлик- нинг массавий нисбати	ифлос аралаш. массавий улуши	намлик- нинг масса- вий нисбати
I	3,0	9,0	10,0	12,0	16,0	14,0
II	5,0	10,0	10,0	13,0	16,0	16,0
III	8,0	11,0	12,0	15,0	18,0	18,0
IV	12,0	13,0	16,0	17,0	20,0	20,0
V	—	—	—	—	22,0	22,0

4.5 Пахта тўдасининг кондицион массасини аниқлаш учун ифлос аралашмалар ҳисоб меъёрининг массавий улуши - 2,0 % ва намликнинг массавий нисбати - 9,0 % деб олинади.

4.6 Пахтада тош, газлама қийқимлари, яшил кўсак ёки унинг чаноклари, яшил барглари (4 см<sup>2</sup> дан катта) бегона ўтлар ҳамда яшилланган ва мой теккан паллачалар ва шунга ўхшаш кўринишдаги бегона аралашмалар бўлишига йўл қўйилмайди.

4.7 Пахтада мавжуд шираланганлик белгиланган тартибда тасдиқланган синаш усулларида кўрсатилган меъёрлардан ошмаслиги керак.

Пахтада кучли даражада бактериал-замбуруғ касаллиги билан зарарланганликка руҳсат этилмайди.

4.8 Пахта чигитидаги пестицид қолдиқларининг миқдори Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлиги томонидан тасдиқланган, йўл қўйилган энг катта даражадан ошмаслиги керак.

Чигитда пестицид қолдиқларининг миқдорини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалик вазирликлари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.9 Пахта I ва II санат навлари учун микронейр 3,5-4,9 оралиғидаги кўрсаткичга эга бўлиши керак.

## 5 Топшириш ва қабул қилиш қоидалари

5.1 Пахта тўдалар бўйича қабул қилиб олинади. Сифат кўрсаткичи бўйича битта ҳужжат билан расмийлаштирилган, бир хил селекциядаги ва санат навли, тип ва синфдаги пахта миқдори тўда деб ҳисобланади.

5.2 Қишлоқ хўжалиги зараркундалари ва турли касалликлар (гоммоз, замбуруғ касаллиги, "шира") билан зарарланган пахта алоҳида терилади ва толанинг физик-механик хусусиятларини инобатга олган ҳолда алоҳида тўдаларга жамланади.

5.3 Агар бир тўдада ҳар хил селекция ва санат навли, тип ва синфли пахталар аралаштирилган бўлса, улар шу тўдада энг паст тип, нав ёки синф бўйича қабул қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
 СТАНДАРТИЗАЦИЯ, АСОСЛАШТИРИШ  
 ВА ДАХЛЕТ НАЗОРАТИ  
 БОШҚАРМАСИ

## 5.4 Пахтани сифати бўйича қабул қилиб олиш

5.4.1 Пахтани тайёрлаш пунктларида пахта соат 22 гача қабул қилиб олинади. Пахтани ташқи кўринишини аниқлашда ёритилганлик камда 300 lx бўлиши керак.

5.4.2 Аниқ селекция навидаги пахта толасининг типни қабул қилинган тартибда меъёрий ҳужжат билан белгиланади.

Қабул қилиб олишда пахтадаги тола типининг штапель масса-узунлиги ва чизикли зичлик кўрсаткичлари, керак бўлган тақдирда, танлов асосида пахта тозалаш корхонасининг лабораториясида назорат қилинади.

Пахта толасининг типни бўйича якуний баҳо пахта тўдаси пахта тозалаш корхоналарида қайта ишлангандан сўнг O'z Dst 604 талабларига мувофиқ сертификатлаш натижаларига кўра толаннинг узунлик кўрсаткичи бўйича баҳоланади.

Пахтанинг I ва II навлари учун солиштирма узилиш кучининг қийматлари белгиланган меъёрдан (1-жадвал) паст бўлган ҳолда нарх пасайтирилади, I-нав учун асосий меъёрдан ошган ҳолда эса нарх оширилади. Якуний ҳисоб - китоб пахта тўдаси қайта ишлаб бўлингандан сўнг ўтказилади.

5.4.3 Пахта тайёрлаш пунктларида классификатор пахтанинг навиши қўлланилаётган стандарт бўйича намуна танлаб олиб 2-жадвалдаги талабларга мувофиқ бирлаштирилган намунанинг ранги, ташқи кўринишини топширувчи вакили иштироқида белгиланган тартибда тасдиқланган намунанинг ташқи кўриниши билан солиштириш оркали аниқлайди.

Пахта топширувчи билан келишмовчилик содир бўлган ҳолларда пахта нави тайёрлаш пункти лабораториясида асбоблар ёрдамида топширувчи вакили иштироқида қайтадан танлаб олинган бирлаштирилган намуна ёрдамида пахтанинг ранги, ташқи кўриниши ва пишиб етилганлик коэффиценти бўйича аниқланади. Сиваш жараёнида олинган натижа ҳал қилувчи ҳисобланади.

5.4.4 Пахтанинг ифлос аралашмаларининг массавий улуши ва намлигининг массавий нисбати пахта тайёрлаш пунктларининг лабораториясида топширувчи вакили иштироқида тўдалан 6.1 талаблари бўйича танлаб олинган ўртача кунлик ёки бирлаштирилган намуна ёрдамида аниқланади.



Келишмовчилик содир бўлган ҳолларда худди шу ўртача кунлик ёки бирлаштирилган намуна ёрдамида пахтанинг ифлос аралашмаларининг массавий улуши ва намлигининг массавий нисбати бўйича қайтадан ўтказилган синашлар натижаси ҳал қилувчи ҳисобланади.

5.4.5 Агар I ёки 2-синфлар пахтасининг ифлос аралашмаларининг массавий улуши меъёри юқори бўлса, ифлос аралашмаларининг массавий улуши бўйича мос келган синфга ўтказилади, агар намликнинг массавий нисбати меъёридан юқори бўлса белгиланган тартибда нархи пасайтирилади.

I, II, III ва IV навлар бўйича 3-синф учун белгиланган ифлос аралашмаларининг массавий улуши ёки намликнинг массавий нисбати меъёрларидан ошган ҳолларда пахта топширувчига қайтарилди ёки пахт нав бўйича қабул қилинади.

Ифлос аралашмаларининг массавий улуши ёки намликнинг массавий нисбати меъёрлари 22 % дан ошиб кетса, топширувчига қайтарилди ёки нархи пасайтирилиб белгиланган тартибда қабул қилинади.

5.4.6 Пахта теримига қадар амалдаги методик кўрсатмаларга мувофиқ пахта ширадорлигини ("шира" ва замбуруғ касалликлари билан зарарланганлигини) текшириш учун комиссия томонидан апробация ўтказилади. Комиссия вилоят Кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси раҳбарлигида тузилиб унинг таркибига вилоят "Пахтасаноат" бирлашмаси, "Сифат" марказининг ҳудудий лабораторияси, Ўсимликларни ҳимоя қилиш ҳудудий марказининг масъул вакиллари киради. Пахта ширадорлигини текшириш бўйича апробация натижалари асосида далолатнома тузилади. Далолатнома вилоят Кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси томонидан тасдиқланади.

Пахта ширадорлиги ҳақидаги далолатномасиз пахтани топшириш ва қабул қилишга йўл қўйилмайди.

Пахта ширадорлигини аниқлаш апробация ўтказиш даврида ҳамда пахтани топшириш ва қабул қилиш жараёнида амалга оширилади.

Кучсиз ва ўрта даражада замбуруғ касаллиги ёки ўрта ва кучли даражадаги "шира" билан зарарланган пахта белгиланган нархга нисбатан чегирим билан қабул қилинади. Якуний ҳисоб-китоб, белгиланган тартибда ушбу пахтани қайта ишлаб толаси сотилганидан кейин амалга оширилади.

Кучли даражада замбуруғ касаллиги билан зарарланган пахтани қабул қилишга йўл қўйилмайди.

5.4.7 Пахта тўдасида тугунчак кўринишидаги чигаллашган паллачалар, шунингдек 20 % дан кўп маҳсулот гоммоз (сарик ёки кунғир тусли, жуда кучеиз даражада титилиб, ёпишиб йиғилган тола бўлакчалари) билан касалланган бўлса, пахта нави пасайтирилади

5.4.8 Тошлар ва газлама қийқимлари билан ифлосланган, кўсак ёки унинг чаноқлари, яшил барг (4 см<sup>2</sup> дан катта), бегона ўтлар, ҳамда яшилланган ва мой теккан паллачалари мавжуд бўлган ҳолларда уларни топширилаётган пахта тўдасидан топширувчи томонидан тўла ажратилиб олинмагунча пахтани топширишга ва қабул қилиб олишга йўл қўйилмайди.

Ажрағиб олинган яшилланган пахта алоҳида топширилиб жамланади ва V-навга ўтказилади.

5.4.9 Пахта етиштирувчи хўжалик чигитдаги пестицид қолдиқларининг миқдори ҳақида ҳужжатга эга бўлиши керак.

Пахта чигитидаги пестицид миқдори йўл қўйилган меъёрдан ошиб бўлса, пахта нархи белгиланган тартибда пасайтирилади.

5.4.10 Пахта қабул қилинганда ва жамланганда микронейр кўрсаткичининг танлов асосида назоратини амалга ошириш мумкин. Микронейр кўрсаткичини яқуний аниқлаш пахта тозалаш корхонасида пахта қайта ишлангандан сўнг пахта толаси бўйича амалга оширилади.


Пахтанинг микронейр кўрсаткичи 4,9 дан катта ёки 3,5 дан кам бўлган ҳолда, қабул қилинган тартибда нархи пасайтирилади.

## 5.5 Пахтани миқдори бўйича қабул қилиб олиш

5.5.1 Пахта бир хил нав ҳисоб меъёрларига келтирилган ифлос аралашмаларнинг массавий улуши (2,0 %) ва намликнинг массавий нисбати (9,0 %) қабул қилинади ва ҳисобга олинади.

Кондицион массаси (M<sub>k</sub>) килограммларда қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$M_k = M_{\text{хис}} \frac{100 + W_{\text{хис}}}{100 + W_{\text{хак}}} \quad (1)$$



$$M_{\text{хис}} = M_{\text{хак}} \frac{100 - Z_{\text{хак}}}{100 - Z_{\text{хис}}} \quad (2)$$

бунда  $M_{\text{хис}}$  - пахтанинг ифлос аралашмалари ҳисобий меъёрга келтирилгандаги массаси, kg;

$M_{\text{хак}}$  - қабул қилиб олинган пахтанинг массаси, kg;

$W_{\text{хис}}$  - намликнинг 9,0 % га тенг бўлган массивий нисбатининг ҳисобий меъёри;

$W_{\text{хак}}$  - ҳақиқий намликнинг массивий нисбати, %;

$Z_{\text{хис}}$  - ифлос аралашмаларининг 2,0 % га тенг бўлган ҳисоб массивий улуши меъёри;

$Z_{\text{хак}}$  - пахтадаги ифлос аралашмаларининг ҳақиқий массивий улуши, %.

Кондицион массани ҳисоблаш дастлабки ўнлик белгисигача аниқлик билан амалга оширилади ва бутун сонга яхлитланади.

Пахтадаги толанинг ҳисобий массаси қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$M_r = \frac{M_k B}{100} \quad (3)$$

бунда  $B$  - пахтанинг селекцион ва саноат навларига ва синфига кўра, саноатда қайта ишланганда толанинг меъёрий чиқиши, %.

Пахтадан толанинг меъёрий чиқиши меъёрий-техник ҳужжатларга кўра белгиланади.

## 6 Текшириш усуллари

6.1 Намуна танлаб олиш O'z DSt 643 бўйича.

6.2 Намликни аниқлаш O'z DSt 644 бўйича.

6.3 Ифлосликни аниқлаш O'z DSt 592 бўйича.

6.4 Ранги ва ташқи кўрилишини аниқлаш O'z DSt 593 бўйича.

6.5 Пахта толасининг штапел массаузунлигини аниқлаш O'z DSt 633 бўйича.

6.6 Пахта толасининг чизикли зичлигини аниқлаш O'z DSt 593 бўйича.

6.7 Пишиб етилганликни ва солиштирама узилиш кучини аниқлаш O'z DSt 593 бўйича.

6.8 Пахта толасининг ширадорлигини аниқлаш [1] бўйича.

6.9 Чигитдаги пестицид қолдигининг микдорини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Қишлоқ ва сув хўжалик вазирликлари томонидан тасдиқланган усул бўйича.

6.10 Микронейр кўрсаткичини аниқлаш O'z DSt 593 бўйича.

## 7 Ташиш ва сақлаш


7.1 Пахта махсус тузилган, сони учтадан ортиқ бўлмаган тележкани ўз ичига олган транспорт, воситалари ёки пахта ташувчи автомобилларда усти махсус газлама ёки брезент билан ёпилган ҳолда ташилади.

7.2 Пахта транспорт воситаларига механизмлар ёрдамида ортилади, бу механизмлардан пахтанинг ёғланишига ва ифлос аралашмалар тушишига ва чигитлар жароҳатланишига йўл қўйилмайди.

7.3 Пахта селекцион, саноат навлари ва синфлари бўйича, алоҳида гўдалар ҳолида махсус майдончаларда усти брезент билан ёпилган ғарамларда, омборларда ёки ёпиқ омборларда белгиланган тартибда сақланади.

Пахтани дала четларида ва бошқа жихозланмаган майдончаларда сақлаш ман қилинади.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
STANDARTLASHTIRISH,  
REVOLYUCLASHTIRISH  
VA DAVLAT NAZORATI  
BOSHQARMASI



А илова  
(мажбурий)

Махсус қўлланиладиган усулларга асосан пахтанинг  
типи бўйича кўрсаткичлари

А.1-жадвал

Типи	Штапел массаузулиги, mm, камида	Чизикли зичлик, m <sup>tex</sup> , кўпи билан	Биринчи (I) ва иккинчи (II) навлар учун солиштирама узилиш кучи, cN/tex (gf/tex)
Ia	40,2	125	28,4 ва ундан кўп (29,0 ва ундан кўп)
1б	39,2	135	
1	38,2	144	
2	37,2	150	
3	35,2	165	22,6 - 26,5 (23,0 - 27,0)
4	33,2	180	
5	31,2	190	
6	30,2	200	
7	29,2	200 дан кўп	


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СТАНДАРТИЛАШТИРИШ,  
ҚУЙУРТИЛАШТИРИШ  
ВА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ  
БЎСНБАРМАНИ



## Библиография

[1] O'z RH 134:2004 Пахта ва пахта толасининг ширадорлигини баҳолаш методикалари

O'ZBECSTANDART AGENTLIGI  
STANDARTLASHTIRISH,  
MUYOQLASHTIRISH  
VA DAVLAT NAZORATI  
ESSHBARMASI



O'z DSt 615:2008

УЎТ 633.51:006.354

С 22 туркуми


СУТ 59.060.10

Мухим сўзлар: стандарт, пахта, техникавий шартлар, техник талаблар,  
топшириш ва қабул қилиш қондалари, текшириш усуллари

---


ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
STANDARTLASHIRISH,  
HUYUG'ULASHIRISH  
VA DAVLAT NAZORATI  
BOSHQARMASI

"PAHTATOZALASH IChB" OAJ  
Boshkaruv raisi



Р.Ф. Юнусов

"PAHTATOZALASH IChB" OAJ  
Boshkaruv raisining ilmiy ishlar b'uyicha  
muovini, t.f.n., k.i.x.



К.С. Сабилов

"Пахта" техник кўмитаси raisi, t.f.n., k.i.x.




В.Г.Ракинов

"PAHTATOZALASH IChB" OAJ  
СБТ бошлиғи, t.f.n., k.i.x.




А.А. Ахмедов

Етакчи илмий ходим




Г.Ё. Рахимбергенова

Етакчи илмий ходим, t.f.n.



Ю.Д. Якубова

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
SARFARILANTERISH,  
MUYOFIQLASHTIRISH  
VA DAVLAT HAZDRATI  
BOSHBARMASI



O'z DSr 615:2008

Ўзбекистон "Сифат" маркази бош  
директори, т.ф.н., к.и.х.

В.Е. Устюгин

Ўзбекистон "Сифат" маркази бош  
директорининг биринчи муовини, т.ф.д., проф.

Э.Т. Максудов

"Метрология, ИТИ ва СН" бошқармаси  
бошлиғи, т.ф.н.

Р.А. Гуляев

Стандартлаштириш ва МХ бўлими бошлиғи

Н.Б. Наумова

ЎЗБЕКИСТОН  
СТАНДАРТЛАШТИРИШ,  
МУСОТЛАШТИРИШ  
ВА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ  
БОШҚАРМАСИ

СУТ 59.060.10

О'z DSt 645:2010 Пахта момиғи. Техникавий шартлар

**2-сонли ЎЗГАРТИРИШ**

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 20.07.2015 йилдаги 05-682 сонли қарори билан тасдиқланди ва жорий этилди

Жорий этиш санаси 01.08.2015


Стандартнинг амал қилиш муддати 2020-09-01 гача узайтирилсин.

4.1-банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

"4.1 Пахта момиғи штапел узунлигига қараб икки типга бўлинади:

А тип – (7 – 8) mm ва ундан кўп;


Б тип – (6 – 7) mm ва ундан кам."



О'z DSt 645:2010 2-сонли ЎЗГАРТИРИШ

"PAHTASANOAT ILMIY MARKAZI"

АЖ бош директори



Д. А. Юлдашов

Бош директорнинг илмий ишлар бўйича  
ўринбосари, т.ф.н.



Б. А. Байханов

Стандартлаштириш ва метрология бўлими  
муdiri, СБТ бошлиғи, т.ф.н., кат.,и.,х.



А. Ахмедов

Етакчи илмий ходим, т.ф.н.



Ю.Д. Якубова

Кичик илмий ходим



Л. А. Джунасва

U ZSTANDART AGENTLIGA  
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT  
NAZORAT VA MUVOFIQLASHTIRISH VA  
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI  
TARZIY ETISH BOSHQARMASI

О'z DSt 645:2010 2-сонли ЎЗГАРТИРИШ

Ўзбекистон «Сифат» маркази:

Бош директорнинг биринчи  
ўринбосари, т.ф.н.

Б.А.Байханов

Стандартлаштириш, сифат тизими  
менеджменти ва метрология  
бошқармаси бошлиғи

Х.Х.Аминов


Меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш  
ва метрология бўлими бошлиғи

С.А.Иминова

Стандартлаштириш бўйича инженер

С.Ж.Хасанова

STANDART AGENTLIGA  
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT  
TAZDRAI H. MUHOPLASHTIRISH VA  
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI  
TARQATISH BOSHQARMASI



**О'з DSt 645:2010 Пахта момиғи. Техникавий шартлар 1-сонли  
ЎЗГАРТИРИШ**

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг *03.08.2012* № *05-398* сонли қарори билан тасдиқланди ва жорий этилди

Жорий этиш санаси *03.08.2012*

2-бўлим. Қуйидаги тахрирда баён этилсин:  
**"2 Меъёрий ҳужжатларга ҳаволалар**

Ушбу стандартда қуйидаги стандартларга қилинган ҳаволалардан фойдаланилди:

О'з DSt 581:2002 Пахтани қайта ишлаш. Атамалар ва таърифлар

О'з DSt 657:2011 Пахта момиғи. Намуна танлаб олиш усуллари

О'з DSt 658:2011 Пахта момиғи. Ранги ва ташқи кўринишини аниқлаш усуллари

О'з DSt 659:2011 Пахта момиғи. Намликнинг массавий нисбатини аниқлаш усуллари


О'з DSt 660:2011 Пахта момиғи. Узунликни аниқлаш усули

О'з DSt 661:2011 Пахта момиғи. Пишиб етилганликни аниқлаш усуллари

О'з DSt 662:2011 Пахта момиғи. Ифлос аралашмалар ва бутун чигитларнинг массавий улушини аниқлаш усуллари

О'з DSt 841:2011 Пахта толаси, пахта момиғи, пахта тозалаш корхоналарининг улюк аралашган чиқиндилари ва пахтанинг қалта момиғи аралашган чиқиндилари. Жойлаб ўраш, маркалаш, ташиш ва сақлаш.

Изоҳ – Ушбу стандартдан фойдаланиш чоғида жорий йилнинг 1 январигача бўлган ҳолати бўйича тузилган стандартлар (классификаторлар) кўрсаткичлари ҳамда жорий йилда чоп этилган ахборотли кўрсаткичлари бўйича ҳавола қилинаётган стандартларни (ва классификаторларни) Ўзбекистон ҳудудида амал қилиши текширилиши керак. Агарда ҳавола қилинаётган ҳужжат алмаштирилган (ўзгартирилган) бўлса, унда ушбу стандартдан фойдаланиш чоғида алмаштирилган (ўзгартирилган) стандартга амал қилиш керак. Агарда ҳавола қилинаётган ҳужжат алмаштирилмасдан бекор қилинган бўлса, унга ҳавола қилинган қоида ушбу ҳаволага дахлдор бўлмаган қисмида қўлланилади."





**O'z DSt 645:2010 1-сонли ЎЗГАРТИРИШ**

("PAHTASANOAT ILMIY MARKAZI"  
ОАЖ бош директори

Б.Я. Кушакеев

Бош директорнинг илмий ишлар бўйича  
ўринбосари, т.ф.н.

Р.А. Гуляев

Стандартлаштириш ва метрология бўлими  
мудир, СБТ бошлиғи, т.ф.н., кат.,и.,х.

А. Ахмедов

Етакчи илмий ходим, т.ф.н.

Ю.Д. Якубова

Кичик илмий ходим

Л. Джунаева

ЎЗБЕКАСТАН АГЕНТЛИГИ  
СТАНДАРТЛАШТИРИШ,  
МУВОФИQLАШТИРИШ  
ВА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ  
БОШҚАРМАСИ

